

➤ Худо сизни севиши хақидаги оддий ҳақиқат ➤

*Мен  
уларни  
севишимни  
айт*

ЖОЙС МАЙЕР

➤➤ Худо сизни севиши хақидаги оддий ҳақиқат ◀◀

*Мен  
уларни  
севишимни  
айт*

ЖОЙС МАЙЕР

## **МЕН УЛАРНИ СЕВИШИМНИ АЙТ**

© 2020 Жойс Майер

## **TELL THEM I LOVE THEM**

© 1995 by Joyce Meyer

Life In The World, Inc.

P.O. Box 655

Fenton, Missouri 63026

All rights reserved

Каломдан келтирилган барча махсус белгиларсиз жумлалар

Муқаддас китобнинг кенгайтирилган The Amplified Bible

таржимасидан олинган.

РСП ҳарфлари билан белгиланган жумлалар Муқаддас китобнинг

Сўзма Сўз таржимасидан келтирилган.

Барча ҳуқуқлар муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги халқаро қонун билан  
ҳимояланган.

Китоб мазмуни ва муқовасидан муаллифнинг ёзма ижозатисиз тўлиқ  
ёки қисман ҳар қандай кўринишда фойдаланиш мумкин эмас.

# Мундарижа



Муқаддима .....	5
1. Худо сизни севади!.....	7
2. Сиз Худо учун етарлича яхшимисиз? .....	13
3. Севги – бу муносабатлардир .....	21
4. Севги, ишонч ва имон .....	27
5. Қўрқувдан озодлик .....	33
6. Севги беради .....	39
7. Худонинг севгиси сизни ўзгартиради .....	47
Тавба ибодати .....	53
Муаллиф ҳақида .....	55



# Муқаддима



Мен ўйлайманки, ҳамма нарсадан ортиқроқ, одамлар Худонинг севгиси тўғрисидаги ваҳийга муҳтождирлар. Худо ҳар биримизни севади – бу ваҳий имонлининг голибона ҳаёт кечиришининг дастлабки шартидир. Бизга нафақат Худонинг севгисини билиш, балки бу ҳақда ваҳий керак. Лекин буни фақат Муқаддас Рух бериши мумкин ва имонли Худонинг севгиси ҳақида фикр юритишни, шахсий ҳаётидаги Худонинг севгисини кўзатишни, бу ваҳийни Ёзув ва ибодат орқали излагандагина Муқаддас Рух буни бера олади.

Қадрли ўқувчи, сиз учун Худо оламни шунчалик севгани, ҳатто Исони ҳамма одамлар учун ўлимга юборганини эътироф этиш осон, лекин Худо сизни севишига ишониш анча қийинроқ. У сизни шунчалик севадики, ҳатто агарда сиз дунёдаги ягона инсон бўлганингизда ҳам, У барибир Исо Масихни ёлғиз сиз учун ўлишга юборган бўларди.

Мен кўплаб умидсизликларни бошдан кечирдим, лекин Худо Ўз шавқати билан Унинг айнан менга бўлган севгиси қанчалик кучли эканини Муқаддас Рух орқали очди. Бу ваҳий бутун ҳаётимни ва менинг Раббий

## *Мен уларни севгишимни айт*

---

билан бўлган муносабатимни бутунлай ўзгартирди. Умид қиламанки, ушбу китобда ўқиганларингиз сизга Худонинг севгиси ҳақида янги тушунчалар беради ва бу ваҳийни Унинг Ўзидан олишингиз учун сизда чанқоқлик уйғотади. Сизга бу рисола ни диққат билан ўрганишни, Каломдан олинган оятлар ва унинг саҳифаларида келтирилган фикрлар устида мулоҳаза юритиб, ўқув қўлланмаси сифатида ўқишингизни маслаҳат бераман.

Қадрли ўқувчи, Мен Худосиз ҳеч ким эмаслигимни ва ҳар қандай ваҳий Ундан келишини ва Унинг Каломини тушунишим менга Худонинг инояти орқали берилганини англаган ҳолда, сизга ўз китобимни тақдим этаман.

# 1

## Худо сизни севади!



*“Чунки Худо дунёни шунчалик севдики, Ўзининг Ягона Ўглини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин”.*

– ЮХАННО 3:16

Худо оилага эга бўлишга ташна ва шу сабабли, бизни Унинг фарзандлари бўлишимиз учун яратди. Лекин У бизни тантиқлик қилишимизни ёки ўзимизни бемаъни тутишимизни хоҳламайди, - У биз Унга боғлиқ бўлишимизни, Унга суянишимизни, Унда амин бўлишимизни, Уни севишимизни ва У бизни севишига йўл қўйишимизни хоҳлайди. Биз Унга ишонишимизни ва муҳтож бўлганимизда Уни чақиритишимизни хоҳлайди. У сиз билан шахсий муносабатларга ташна.

Кўпчилик Каломда бу оятни ўқир экан уни жуда ҳам мавҳум тушунишади: “Ҳа, мен Исони бутун олам учун ўлганини биламан”. Лекин сиз Исо бир тўда халойиқ учун Ўз жонини қурбон қилди деб ўйламанг – У ҳар бир одам учун ўлди. У сиз учун ўлди!

Агарда сиз бу дунёдаги ягона инсон бўлганингизда ҳам, У барибир сиз учун Ўз жонини қурбон қилган бўларди. У



## *Мен уларни севшимни айт*

---

сиз учун ҳамма азоблардан ўтган бўларди. Исо сиз учун ўлди, чунки У сизни севади ва бу севги абадийдир.

Бир марта мен машинада кетаётганимда, Худо менга деди: “Жойс – сен кўз қорачиғимсан”. Мен бу сўзлар Каломда ёзилганини ҳатто билмас эдим. Шайтон дарҳол менга ўз фикрини ташлади: “Буларни сенинг ғуруринг гапираяпди! Ўз зимманга ортиқча нарсаларни олмаяпсанми?” Ва мен унга кулоқ солдим: “Ҳа, мен ўзим ҳақимда бундай фикрга боришим керак эмас”. Биз учун ўзимизни ўзгача эканимизни, бизни ўзгалардан фарқ қиладиган бу ёки бошқа қобилиятларимиз борлигини тан олишимиз қийин. Ва шунга қарамасдан, ҳар биримиз ноёбмиз, ҳар биримиз Осмондаги Отамиз томонидан яратилганмиз ва ҳар биримиз бошқа одамлардан фарқ қиламиз.

Ва мен бу нарса ҳақида ўйлаётган вақтим, Худо менга бир сурат кўрсатди: дўконда бир аёл растада турган олмаларга тикилиб қарар эди. У бутун тоқчани диққат билан кўздан кечириб, энг яхши олмани топди ва уни олиш учун қўлини узатди. Кейин Раббий менга деди: “Мен сени бошқа кўпларнинг орасидан танладим, чунки сени ўзгача деб ҳисоблайман”. Мен У учун ўзгачаман! Бу такаббуруна кўриниши мумкин, лекин бу сўзларни Худо ҳар биримизга айтаяпти. У бу сўзларни биз бошқалардан яхшироқ эканимиз учун гапираётгани йуқ. У ҳар биримиз - ўзгача инсон эканимизни айтаяпди. Бу Каломда

## *Худо сизни севади!*

---

хам тасдиқланган: Худо ҳар бир инсонга “Сен – кўз қорачигимсан” деб юзланаяпти.

Мен Худонинг бу сўзларини қабул қила олмадим ва менга жуда димоғдор туюлган фикрларим учун ўзимни хукм қилишни бошладим. Бир неча кундан сўнг, мен ихтиёрий тарзда Муқаддас китобни очдим ва шундай сўзларни ўқидим: “Мени кўз қорачигидек асра; мени қанотларинг соясида яшир” (Санолар 16:8). Мен дедим: “Бу ҳақиқатдан ҳам Худо экан. Мен – Худонинг кўз қорачигиман!” Бу сўзлар мен ўзгача эканимни эслатади.

Ҳар бир инсон севикли бўлишни астойдил истайди. Бу севгига ташналик, бизга Раббий томонидан берилган. Ва биз Худо бутун оламни ва Исо Масиҳни севишига ишонсак-да, лекин нимагадир Худо ҳар биримизни севишига шубҳа қиламиз. Шунга қарамай, Калом сизга Худо Исони севганидек, сизни ҳам кучли севишини ўргатади. “Зеро Ота Ўғилни севади ва Унга Ўзи қилаётган ҳамма нарсани кўрсатади. Унга булардан кўра улуғроқ ишларни ҳам кўрсатадики, сизлар ҳайратда қоласизлар” (Юҳанно 5:20). Худо бу ерда шундай дейди: “Мен Исо Масиҳ орқали буюк бўлган ишларни амалга ошираяпман ва бундан ҳам буюк ишларни амалга ошираманки, сизлар ҳайратда қоласизлар” (муаллиф сўзларида). Биласизми, сиз Худо қилган ишларидан ҳайратланишингизни, завқ олишингизни хоҳлайди. У сиз Каломни ўқиётган вақтда, Унинг Исо Масиҳ орқали қилган буюк ишларига этибор бери-

## *Мен уларни севишимни айт*

---

шингизга, ҳайратда: “Ё Худо, Сени қилган ишларинг қанчалик ажойибдир!” дейишингизга ташна.

“Ростини, сизларга ростини айтаман, Менга ишонган одам, Мен қилган ишларни қилади ва бу ишлардан кўра каттароғини ҳам қилади, чунки Мен Отамнинг олдига кетяпман” (Юҳанно 14:12). Исо Ўз Отасини олдига кетди, шунинг учун Худо сиз орқали шундай – ва ҳатто, бундан ҳам каттароқ ишларни амалга оширомоқчи. Сиз бунга ишонасизми? Сиз ҳақиқатдан ҳам Худо сизни севишига ва сиз орқали ишламоқчи эканига ишонасизми?

Бир куни мен ҳар доимгидек Каломни ўрганаётганимда, Раббий менга юзланди: “Жойс, Мен ҳар куни одамлар учун кўплаб ажойиботлар яратаман, чунки уларни севаман, лекин улар буни ҳатто сезишмайди. Улар буни умуман англашмайди. Сенга фақат биргина мисол келтираман. Ҳар куни Мен қуёшга: “Кўтариш” деганимда, Мен буни Жойс учун, Бетти учун, Жимми учун, ... (бу ерга ўз исмингизни қўйинг) учун айтаман.

Ўйлаб кўринг: қуёш ҳар куни осмонга сиз учун кўтарилади. Қуёш чиқиши шундай ажойибки! Лекин буни сиз ўзидан-ўзи содир бўлиши керак бўлган ҳодиса сифатида қабул қиласиз. Сиз қуёш албатта, кўтарилишини биласиз, лекин у айнан сиз учун кўтарилаётганини тушунмайсиз. Иссиқ ҳавода ёмғир ёғиши ҳам, сиз учун. Ҳамма содир бўлаётган ҳодисалар, Худонинг сизга бўлган чексиз севгисидан гувоҳлик беради.

## *Худо сизни севади!*

---

“Шундай қилиб, билинларки, сизнинг Раббий Худойингиз – Худодир; Уни севувчиларга ва Унинг амрини сақловчиларга мингинчи авлодларигача аҳд ва шафқатини сақловчи содиқ Худодир” (Қонунлар 7:9).

Сиз ахири Худонинг севгиси қанчалар буюклигини англашингиз учун минг авлод етармикан? У абадий Худо ва Уни нима биландир толиқтиришни иложи йуқ. Балки сиз, ўз омадсизликларингиз ва камчиликларингиз билан Худони қийнаб қўйгандек кўриниши мумкин? Йуқ, бунақа бўлиши мумкин эмас! Унинг севгиси камаймайди, ҳеч нима Худони сизни севишдан тўхташга мажбур эта олмайди. Севги – бу Худонинг сиз учун қилаётган қандайдир ишлари эмас. Севги – бу Унинг Ўзи.

Худо ҳатто, қачонлардир бу ерда яшаган энг ирқит, бузуқи ва осонлик билан: “Мен Сен билан ҳеч қандай умумийликка эга бўлишни истамайман ва мени дўзахга тушиш тўлиқлигича қониктиради” деб, Исодан юз ўгира оладиган гуноҳкорни ҳам севади. Шундай экан, У қандай қилиб Унинг ўғил ёки қизига айланганларни севмаслиги мумкин?

Сиз Исони юрагингизга қабул қилиб бўлган ва Худога Уни севишингизни кўп маротаба айтган бўлишингиз мўмкин, бироқ сизга савол бермоқчиман: Худо ҳам сизни севишига ишонасизми?

Бу жуда оддий: Худо сизни севади. Агар сиз бу дунёдаги қолган бошқа ҳамма нарсаларни тушинмоқчи бўлсангиз, у ҳолда бу оддий ҳақиқатда мустаҳкамланг.

## *Мен уларни севишимни айт*

---

Яна нималарни билиб олишингиз ва қанчалик тирришқоқлик билан Худони Каломини тушуниб етишингизга қарамай, агар Раббий сизни қаттиқ севишини қабул қилмасангиз, сиз ҳаётда муваффақият қозона олмайсиз. Худони сеvgисини англаш, сизнинг имонингизнинг, гуноҳдан озод эканингизнинг, ҳеч қандай кўрқувсиз одамларга хизмат қилиш қобилиятингизнинг негизи ҳисобланади. Худонинг сеvgисини қабул қиласизми? Худо сизни чексиз севади!

## 2

# Сиз Худо учун етарлича яхшимисиз?



*“Умид эса уялтирмайди, чунки бизга берилган Муқаддас Рух орқали Худонинг севгиси бизларнинг юракларимизга қуйилди. Чунки биз ҳали ожиз бўлганимизда, белгиланган вақтда Масих бетавфиқлар учун ўлди.*

*Бировнинг ҳақ киши учун ўлиши даргумондир, балки яхшилик қилувчи учун бирон киши ўлишга журъат этар.*

*Аммо Худо Ўзининг севгисини бизга шу билан исбот қиляптики – биз ҳали гуноҳкор бўлган пайтимизда, Масих биз учун ўлди.*

*Шунинг учун биз энди Унинг қони билан оқланиб, У орқали Худонинг газабидан қутуламиз.*

*Агарда биз Худога душман бўла туриб, Ўглининг ўлими орқали У билан ярашган бўлсак, унда ярашганимиздан сўнг, Ўглининг ҳаёти билан нажот топишимиз янада аниқроқдир”.*

– РИМЛИКЛАРГА 5:5-10

Кўпчилик, ўзларини фақат бенуқсон тутгандагина Худо уларни севишига ишонади. Кўп одамлар ўзларидан мамнун эмас ва Худо ҳам улардан унчалик хурсанд эмас деб ўйлайдилар. Калом шундай дейди: “Одам недирки, сен уни эслайсан?” (Санолар 8:5). Жавоби оддий: сиз –

## *Мен уларни севшимни айт*

---

Худонинг ижодисиз ва Худо сизни севади, “Худо – севги” бўлгани учун севади (1-Юҳанно 4:16).

Раббий сизни севади. Сиз – ўзгача, ягона, ноёбсиз. Сиз мен ёки бошқа бировга ўхшашга ҳаракат қилишингиз керак эмас. Инсон бировга тақлид қилишга ҳаракат қилса, ўта бахтсиз бўлади. Бу ҳаракатлар билан, шайтон сизни Худо учун етарлича яхши эмаслигингизга ишонтиришига имкон яратиб берасиз, холос. Лекин Худо учун “етарлича яхши” бўлишга ҳаракат қилишнинг ҳожати йуқ.

Сиз шундай буюк ва ғаройиб бўлганингиз учун Исо ўлимни қабул қилгани йуқ – Уни ҳар бир гуноҳкорга бўлган севгиси хочга олиб келди. Муқаддас китобда шундай дейилган, У шунчалик сизни севдики, ҳатто жонини берди. Энди Унинг қони билан оқланганингизда, Исони сизга бўлган севгиси қанчалик ошди? (Римликларга 5:9) Унинг севгиси сизнинг камчиликларингиз ва хатоларингизни ҳар куни кечирिशга етади. У сиз ҳар кунингизни муваффақиятли кечира олишингизга ёрдам бериш учун, сизни етарлича кучли севади.

Бир куни Худо менга бизнинг хатоларимиз ва омадсизликларимизга қайси томондан назар ташлашини мисол қилиб кўрсатди. Ўзингизга, онаси уйни тозалаётганини кузатиб турган уч-тўрт ёшли қизалоқни фараз қилинг. У онасини жуда яхши кўради ва унга ёрдам беришни хоҳлайди. Ва мана у кичик челақка сув олади ва ойнани ёнига бориб, уни ҳафсала билан тозалашни бош-

## *Сиз Худо учун етарлича яхшилмисиз?*

---

лайди. Онаси унинг ишларининг “маҳсулига” этибор берганида, қизи унинг энг яхши матосини бузиб қуйганини кўради ва унда ёрдамчини урушиб қўйиш хоҳиши пайдо бўлади. Лекин қизалоқ ёқимли ингичка овоз билан дейди: “Онажон қаранг, мен ойнани қандай ювдим. Мен жон-жаҳдим билан ҳаракат қилдим. Онажон сизни қаттиқ яхши кўраман!” Севувчи она унга ёрдам учун миннатдорчилик билдиради: “Сен ҳаммасини ажойиб қилдинг, раҳмат сенга!” – дейди. Кейиноқ, қизи бошқа бирор нарса билан банд бўлганида, она тартиб ўрнатади ва унга бундай ҳолатларда биринчи у билан маслаҳат қилиши кераклигини тушунтиради. Худо менга биз билан ҳам шундай йўл тутишини очди. У ҳар доим бизнинг хатоларимиз оқибатларини бартараф қилади. Агар сиз бор кучингиз билан Уни мамнун қилишга ҳаракат қилсангиз, бу Худо учун етарли. У қўлимиздан келмаган ишларни талаб қилмайди. Агар сиз: “Раббий, мен ноҳақман. Мен ҳаракат қилдим, лекин вазиятни ўзгартира олмайман” десангиз, - У сизга ёрдам беради, чунки Унинг ёрдамисиз сизнинг қўлингиздан келмаслигини билади.

*“Чунки Худо юборган шахс Худонинг сўзларини сўзлайди, зеро Худо Руҳини ўлчовсиз беради.*

*Ота Ўғлини севади ва ҳамма нарсани Унинг қўлига топширади”*  
(Юҳанно 3:34-35).

Бир сафар, бу оятни ўрганиб, у ҳақида фикрлаётган вақтим, Худо бизга қандайдир чегараланган миқдор-



## *Мен уларни севишимни айт*

---

да Рухини бермаслигини тушуниб, хурсандлигимдан йиғлаб юбордим. У бизга озгина бундан, озгина ундан бермайди. У: “Менда борини ол” деб айтади, шу сабаб-ли, Худонинг севгиси ва кучи сизга тўлиқлигича очиқ-дир. Унда сиз муҳтож бўлган ҳамма нарса бор ва У сиз уларга эришишингизни хоҳлайди. Нима учун? Чунки У сизни севади! Унинг севгисини қозонишингиз шарт эмас. Кўзни қамаштирадиган даражада чиройли бўлишингиз ёки илмий даражангиз бўлиши шарт эмас. Худо сизни севгани учунгина қобилиятлар бермоқчи.

Зеро сен Раббий Худойингга муқаддас халқсан. Ер юзидаги барча халқлар ичида Унинг шахсий халқи бўлишинг учун Раббий Худойинг сени танлаб олди.

Раббий сизларни барча халқлардан кўп сонли халқ бўлганингиз учун танлаган ва қабул қилган эмас, зеро сизлар барча халқлардан кам сонлисизлар (Қонунлар 7:6-7).

Худо исроилликларни Ўзининг халқи бўлиш учун танлади. Бугун биз – имонлилар Худонинг халқи деб ҳисобланамиз ва юқоридаги оятлар бизга ҳам тааллуқли эканини англатади. Худо шундай деган: “Мен сизларни энг буюклигингиз ва ҳамма ишларингиз ҳақ экани, сиз ўзингиз эса ажойиб эканингиз учун танлаганим йуқ”. У ҳатто, исроилликлар барчадан кўра кам сонли эканини тақдорлаб айтди ва кейин давом этди:

Балки Раббий сизларни севиши учун ҳамда У сизларнинг оталарингизга ичган қасамини бажариши учун

## *Сиз Худо учун тарғишча яхшилмисиз?*

---

Раббий сизларни Ўзининг кучли қўли билан олиб чиқди ва сизларни Миср подшоҳи фиръавннинг қўлидан, қуллик уйидан озод қилди (Қонунлар 7:8).

Дўстим, бу нақадар ажойиб! Худо қуйидагича айтган: “Мен сени севдим ва сени муқаддас деб эълон қилдим. Мен сени – ўзгача дедим. Мен сени гуноҳсиз ва ажойиб эканинг учун эмас, балки Мен сени севганим учун танладим”. Худо сиздан нима хоҳлашини биласизми? Худо сиз Унинг севгисига ишонишингизни ва уни қабул қилишингизни истайди.

Кўпчилигимиз учун энг катта муаммо, бу ўз-ўзимизга ёқмаслигимиздир. Биз ўзимизга ҳаммадан ҳам ёмонроқ бўлиб кўринамиз, шу сабабли, Худо ва бошқа кимдир бизни севишига ишонмаймиз. Биз шундай деб ўйлаймиз: “Мени қандай қилиб севиш мумкин? - ахир менинг шунча камчиликларим бор?” Агар сиз ўз кўзларингизда ёқимсиз ва хунук бўлсангиз, бу албатта, сизнинг фикр юритишингизга, хулқ-атворингизга ва сўзларингизга таъсир қилади. Сиз яратган ўз сиймойингиздан яхшироқ бўла олмайсиз.

Менда ҳам шундай муаммо бор эди: мен ўзимга ёқмас эдим ва ҳар қанақа йўллар билан ўзгаришга ҳаракат қилар эдим. Мен ўзимга ҳаддан ташқари кўп гапирадигандек туйилар эдим ва камгап бўлишга уринар эдим. Ушбу уринишлар менда руҳий тушкунлик бошланишига сабабчи бўлар эди. Ҳамма, мен нимага жим эканимга

## *Мен уларни севишимни айт*

---

кизиқишар эди, мен эса ўйлар эдим: “Ахир сизлар ўзингиз мен кўп гапиришимни айтардингиз. Энди мени тинч куйинглар, чунки мен бу камчиликдан озод бўлишга ҳаракат қиляпман”. Ва мен бунга кўп йиллар ҳаракат қилдим, лекин ҳозиргача, менда баъзан тилим туфайли муаммолар пайдо бўлади. Мен шуни сездимки, кўплаб кўп гапирадиган одамлар ҳақиқий камгап турмуш ўртоқ танлашади, шайтонга эса бу қўл келади, ахир энди у ҳамиша уларни тиллари қанчалик узун эканини эслата олади ва шу билан бирга, улар ўзларини ҳукм қилишга мажбур этади. Худо биз ўзимизни айблашдан озод этишни хоҳлайди. Лекин озод бўлиш учун имон ва жасоратга эга бўлишимиз керак. Сиздаги айбдорлик ҳисси, сизнинг ҳеч бир қилган ҳаракатингизни оқламаслигини биласизми? Аммо, биз қандайдир ақлсизликни амалга оширганимизда ҳам, Худо бизни севишига ишониш биз учун жуда мушкул, тўғрими?

Шайтон яна ва яна сизга, ёмон одам эканингизни, кўринишингиз даҳшатли ёки хулқ-атворингиз қабиҳ эканини айтиб туради: “Сен бундай йўл туттишга қандай журъат қилдинг? Энди ўзинг ҳақингда нима деб ўйлаяпсан? Худо сени ҳеч қачон дуо қилмайди, сен гуноҳкорсан. Сен одамларга У ҳақида нима дея оласан, ахир сен ҳамма нарсани нотўғри қиласанку?”

Мана шундай лаҳзаларда ибодат билан Худога юзланинг: “Раббий, мен хато қилдим ва бу қилган ишим учун

## *Сиз Худо учун тарлича яхшилленисиз?*

---

тавба қиламан. Сендан мени кечиришингни сўрайман. Сен мени кечирганингга ишонаман ва шайтон бундан мени айнита олмайди”. Энди сиз кечирилдингиз – қувонинг ва бахтли бўлинг! Сиз: “Мен битта хатони биринчи маротаба қайтармаябман-ку...” деб ўйлашингиз мумкин. Мен ҳам ўзимни ҳукм қилишдан тўхтамагунимча шундай деб ўйлардим. Ўзингизни қилган ишларингиз учун ҳукм қилишдан тўхтанг, - шунда хато қилишдан тўхтайсиз!

Айб ва ҳукм бизга юк бўлади, бизни эзади ва озодликдан маҳрум қилади. Ўзингизни ҳукм қилишдан озод бўлиш учун, сизга имон ва жасорат керак: тетикланинг, елкангизни ростланг ва дадиллик билан айбдорлик хиссидан юз ўгиринг. Шайтон сизга дейди: “Сен бу масалада ҳатто, хафа ҳам бўлмоқчи эмасмисан? Сен ҳеч бўлмаганда бир неча соат ўзингни ёмон ҳис қилишинг керак. Ахир, сенинг бу қилган ишинг жуда даҳшатли”. Шайтонни жим бўлишга мажбур қилинг: “Етарли, мен бу масалада умуман хафа бўлмоқчи эмасман”. Бошида унинг ҳужумларига қарши туриш сиз учун қийин бўлади, лекин қатъиятли бўлинг ва сиз албатта, айбдорлик хиссини енгиб ўтасиз.

Худонинг Каломи шундай дейди, Исо бизнинг гуноҳларимизни олганида, У бизнинг айбларимиз ва ўз-ўзимизни ҳукм қилишимизни ҳам хочга олиб борди (Ишаъё 53:5-6, 11). Лекин шайтон сиз ўзингизни ҳукм қилишда давом этишингизни хоҳлайди. Нима учун? Чунки

## *Мен уларни севгишимни айт*

---

маҳкумлик сизни Худодан узоқлаштиради. Агарда сиз ўз-ўзини ҳукм қилиш тошини остида яшасангиз, сиз Худонинг севгисидан чинакамига завқлана олмайсиз, у темир парда каби сиз ва Худонинг орасига тушиб туради. Сизнинг устингиздан айбдорлик ҳисси ҳукмронлик қилса, сиз Раббийни кўра олмайсиз. Сиз кўрган ҳамма нарса, бу сизнинг айбингиз ва гуноҳингиз бўлади.

Ўзингизни ҳукм қилманг, ишонинг: агар Худо, Унинг шафқати сизнинг гуноҳларингизни ёпишга етади деган бўлса, - демак бу шундай. Раббий сизни севади, шу сабабли, У Ўз шафқати ва кечиримини сизга тортиқ қилади. Буларни шунчаки қабул қилинг. Худо сизни ўта кучли севади!

### 3

## Севги – бу муносабатлардир



*“Биз Худонинг бизга бўлган севгисини билдик ва бунга имон келтирдик. Худо – севгидир ва севгида жо бўладиган одам Худода жо бўлади, Худо эса унда жо бўлади”.*

– 1-ЮХАННО 4:16

Қандай қилиб Худонинг севгисини англаб етиш мумкин? Агар сиз, Худо сизни севишини англамасангиз, бу севги қанчалик кучли бўлмасин, сизга ёрдам бера олмайди. Кимдир сизни қаттиқ севса ва буни сиздан яширмаса, қалбингиз қанчалик шодланишини биласизми? Бу қойилмақом ва ажойиб ҳиссиёт сизни бутун оламга даъво қилишга қодир қилади. Худо сизни севади ва сиз Унинг севгисини кўришингизни истайди.

Худо сиз билан ҳар куни мулоқот қуришни хоҳлайди. Сиз У билан шахсий муносабатларга эгамисиз? Кўп йиллар аввал эришилган нажот, сиз ҳали Худо билан муносабат қурганингизни англамайди. Мен эрталаблари кўзларимни очганимда, ҳаёлимга биринчи бўлиб Худо келади ва ухлашдан олдинги охири фикрларим ҳам У ҳақида. Мен бутун кун давомида У ҳақида ўйлайман.

## *Мен уларни севгишимни айт*

---

Дунёдаги ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ мен Раббимга маъқул бўлишни ва Унга хизмат қилишни истайман. Бу учун бор-йўғимдан воз кеча оламан.

Худо бизнинг ичимизда, ёлғиз У тўлдирга оладиган жой қолдирган. Биз талпинган ва чанқоқ бўлган бошқа ҳеч нима бу бўшлиқни тўлдирга олмайди. Сиз “мен буларни ҳаммасини биламан, ахир, мен аллақачон Исони қабул қилганман”- дейишингиз мумкин. Лекин сиз Уни ҳар дақиқа, ҳар кун, ҳар вазиятда ҳам излайсизми? Худонинг севгисини қабул қиласизми?

Худо сизни севади, У учун сиз ўзгача ва ноёб инсонсиз. У сизни Ўзи билан мулоқот қуриш учун яратди – бу Унинг сиз учун бўлган энг буюк хоҳиши ва мукамал иродасидир. Ҳар тонгда У сизга қараб шундай дейди: “Ҳайрли тонг, Мен сени севаман”.

Бир куни менинг танишим ибодат вақтида ваҳий олди. У эрталаб, Раббий қай тарзда имонлиларнинг уйига кираётганини кўрди. Худо улар билан суҳбат қилиш учун келиб, курси ёки стол ёнига ўтирар эди. Одамлар уйғониб, ишга боришга тайёрланишар эди, Унинг ёнига келар... ўз ишлари томон шошилишар эди. Улар шундай дер эдилар: “Раббий, сал кейинроқ. Мени бироз шу ерда кутиб тур, мен ўз ишларимни қилиб олай, кейин қайтиб келганимда, Сен билан гаплашамиз. Биз Сен билан кейинроқ суҳбатлашамиз, яхшими? Раббий, сал кейинроқ...”.

Кун ўз ниҳоясига етаётган эди ва шундай қилиб, ҳеч ким Худо билан гаплашишга келмади ва У боши эгилган холда уйларни тарк этарди.

Сиз ўта даражада ишлар билан бандмисиз? Сизнинг ҳаётингизда беҳаловатлик кўпми? Агар сизда Худога ибодат қилишга ва У билан суҳбат қуришга вақт бўлмаса, демак, сиз ҳаддан ташқари бандсиз. Сиз барибир, Худога Уни қанчалик қаттиқ севишингизни айтиш учун вақт топинг. Ердаги ҳаёт билан хайрлашганимизда, фақат ягона Худо қолади. Сиз Унинг қаршисида турганингизда, У билан муносабат қуришга кеч бўлади. Бу сиз осмон шоҳлигига бора олмаслигингизни англамайди, лекин сиз ўзингизни ерда муваффақиятли ва бахтиёрликда ҳаёт кечиришдан маҳрум қиласиз.

Менда бир таклиф бор: ҳеч бўлмаганда бир йил Худога сизни севишига изн беринг. Ўзингизнинг буюк имон ва кучга эга бўлиш учун қилаётган муваффақиятсиз ҳаракатларингизни бас қилинг. Кичик болакай каби Худо билан муносабатда бўлинг. Ўз Отангиз тиззасига ўтиринг ва У сизни эркалашига, сизга мулойимлик ва сеvgи кўрсатишига йўл қўйиб беринг. У сизни севишига имкон бермай, Унга ўзаро жавоб қайтара олмайсиз.

Биз Худонинг бизга бўлган сеvgисини билдик ва бунга имон келтирдик. Худо – сеvgидир ва сеvgида жо бўладиган одам Худода жо бўлади, Худо эса унда жо бўлади (1-Юҳанно 4:16).



## *Мен уларни севишимни айт*

---

Эрталаб, уйкудан уйғониб, сиз ҳеч бўлмаганда бир неча дақиқа Худо сизни қанчалик қаттиқ севиши ҳақида фикр юритиб кўрасизми? Баъзан эрталаблари бизда шунақа ёмон кайфият бўлади-ки, ҳатто ҳеч нима қилгимиз келмайди. Шундай пайтлари ўзингизни тетик ҳис қилиш учун ибодат қилинг. Ибодат сизнинг руҳингизни куч билан тўлдиради ва келаётган кун муваффақиятли бўлади. Эрталаб уйғонганингизда шундай деб айтинг:

Ота, Сенинг менга бўлган чексиз муҳаббатинг учун Сендан миннатдорман. Исо Масиҳни мен учун ўлишга юборганинг учун Сендан миннатдорман. Ота, мени Муқаддас Рухинг билан тўлдирганинг, Сенинг кучинг менда яшаётгани учун раҳмат. Раббий, бугун мен қаерда бўлишимдан қатъий назар, марҳаматланганим учун Сендан миннатдорман. Ота, Сен мени севасан. Сенинг севинг мени ўраб олади. Мен – Сенинг севикли фарзандингман. Мен – Сенинг кўзингни қорачиғиман. Сен мени севасан!

Буларни ўзингизга англаган ҳолда гапиринг. Тушунинг, сиз Худонинг севгиси билан фақатгина ўраб олинмагансиз, У сизнинг устингиздан қуйилади. Муқаддас Китобда айтилган, Худонинг кафтида бизнинг суратимиз бор (Ишаъё 49:16). Ушбу расмга қараб У нима деганини тасаввур қилаяпман: “Қаранглар, сиз кўраяпсизми? Ахир, Менинг фарзандларим ажойиб эмасми? Мен уларни шундай севаманки. Қаранглар, мана улар Ме-

## *Севги – бу муносабатлардир*

---

нинг кафтларимда”. Сизнинг суратингиз – У сизни севиши ва сиз билан шахсий муносабатларга эга бўлишни хошлашининг абадий гувоҳидир.

Худодан миннатдор бўлинг, У билан кўпроқ ва кўпроқ суҳбат қуринг, Унинг қаршисида тиз чўкинг ва ибодатда Унга нажотингиз учун миннатдорчилик билдиринг. Худога юзланинг – У сизни севади.

...Худо – севгидир ва севгида жо бўладиган одам Худога жо бўлади, Худо эса унда жо бўлади.

Севги бизда шундай камолотга эришадики, ҳукм кунда дадил бўламиз... (1-Юҳанно 4:16-17).

Худога ишонинг – У сизни севади! Унга сизни севишига имкон беринг – ва сиз Унинг ҳамма марҳаматларига: имон, гуноҳ устидан ғалаба, шифо, ривожланиш, қувончга эга бўласиз. Буларнинг ҳаммаси, Худо сизни севишига имкон берганингизда келади. Кўпинча биз шундай деймиз: аслида биз Худони севишимиз керак. Лекин мен аминман, биринчи биз Худо бизни севишига ижозат беришимиз керак. Худо сизни бутун юраги билан севишини англамай туриб, Унга ўз севгингизни кўрсата олмайсиз.

Худо билан ҳар кун суҳбат қуринг, Унинг дўстлигига қанчалик муҳтож эканингизни Унга айтинг. Сиз бундан қандай қилишни билмайсизми? Худо мени У билан суҳбат қуришга чақирганида, мен шунчаки курсига ўтириб дедим: “Худоим, энди нима қилай?” Мен Худо билан

## *Мен уларни севишимни айт*

---

қай тарзда гаплашишни билмас эдим, чунки ўша вақтда У мени қанчалик кучли севишини билмас эдим.

Сиз яхши кўрган ва қойил қолган одамлар, сизни яхши кўришига амин бўлмасангиз, уларга ўз туйғуларингизни кўрсата оласизми? Ўйлайман-ки сиз уларнинг кўзларида аҳмоқона кўриниб қолишдан қўрқасиз. Биз фақат жавобан меҳрибон туйғулар олишимизга амин бўлганимиздагина ўзимизни қулай сезамиз. Масалан мен, бошқа одамлардан кўра эрим билан ўзимни эркинроқ ҳис қиламан, чунки у мени севишига аминман. Худо билан ҳам худди шундай.

Худо томон биринчи қадамни қуйинг. Унга, сизни Ўзи билан қандай мулоқот қуришни ўргатишига имкон беринг.

*Худо сизни кучли севади!*

## 4

# Севги, ишонч ва имон



*“Чунки Исо Масихда хатна ёки хатнасилик эмас, балки севги билан ҳаракат қиладиган имон кучга эгадир”.*

— ГАЛАТИЯЛИКЛАРГА 5:6

Кўпчилик ўз вақтининг катта қисмини имонга эга бўлиш урунишида ўтказади. Биз биламиз, имонсиз Худога маъқул бўлишнинг иложи йўқ (Ибронийларга 11:6) ва шунинг учун кўпроқ имонга эга бўлай деб, бор кучимизни ишга соламиз. Бироқ, имон юракдан чиқади ва фақатгина Худо билан бўлган мулоқот орқали пайдо бўлади. Мен сизларга қандай қилиб имонга эга бўлишни ўргата олмайман, лекин имоннинг тамойиллари ҳақида сўзлаб беришим ва сизда имонга эга бўлиш учун шундай ташналик ўйғотишим мумкин-ки, сиз унга етишиш учун ҳатто, ҳамма нарсага тайёр бўласиз. Имон фақат Худонинг ваҳийи орқали келади.

У билан ёлғиз гаплашиш учун кўпроқ вақт ажратинг ва Унга ўз севгингизни изҳор қилинг. Раббий сизни бутун кун давомида ва ҳар куни севишига имкон беринг. Унинг чексиз муҳаббати учун Унга миннатдорчилик билдиринг.

## *Мен уларни севишимни айт*

---

“Чунки биз кўринарли нарсалар билан эмас, балки имон билан юрибмиз” (2-Коринфликларга 5:7).

Бир куни мен юқоридаги оятни ўқиётган вақтим, Худо менга муҳим ҳақиқатларни очишни бошлади. Агар мен имонли бўлсам, нимаики қилмай, мен уни имон билан қилишим керак. Бу нимани англатади? Имон – бу Худога тўлиқ ишониш ва Худо сизни севишига аминлик хисобланади. Агарда сиз ҳақлигингизга амин бўлсангиз, сизнинг имонингиз мустаҳкам бўлади ва худди шундай, агарда сиз ўзингиз тўғрингизда ноҳақ, фойдасиз ёки нолайиқ деб ўйлаб, Худо сизни севишига ишонмасангиз, сизнинг имонингиз кучсиз бўлади. Жуда кўп одамлар мустаҳкам имонга эга бўлишни истайдилар, бироқ улар Масихда ўз ҳақлигини англамаса ва Худо уларни севишини тушунмаса бунинг иложи йуқ.

Имон севги билан ҳаракат қилади (Галатияликларга 5:6). Одамлар бу оятни: “Агар мен одамларни севмасам, менинг имоним самарасиз бўлади” деб тушунадилар. Бироқ бу ерда, агар инсон Раббий уни қанчалик кучли севишини билмаса, имон ҳаракатлана олмаслиги тўғрисида гапирилаяпти. Имон севгисиз ҳаракатлана олмайди – лекин бу ерда гап сизнинг бошқаларни сева олиш қобилиятингиз ҳақида эмас, балки Худо сизни севишига аминлигингиз тўғрисида бормоқда. Имонингиз самарали бўлиши учун Қудратли Худога, сизни севишига имкон беришингиз лозим.

Сиз фарқни сездингизми? Биз Худога ҳамма нарсада ишониб, Унга бутунлай суянганимизда имонга тўламиз. Лекин бизга нисбатан меҳрибон туйғулари борлигига амин бўлмаган одамларга ишона олмаймиз. Агар Худо сизни севишига амин бўлмасангиз, сиз Унга ишона олмайсиз. Агарда сиз чинакамига Худо сизни қанчалик кучли севишини билсангиз, сизга Ундан шифо, бошқа муҳтожликлар, шу жумладан, моддий етишмовчиликларнинг тўлдирилишини қабул қилиш осонроқ бўлади.

Агар Раббий сизни баракаламоқчи эканига ишонмасангиз, унда сиз Худонинг баракасини ололмайсиз. Сиз шундай деб сўрашингиз мумкин: “Мен бунга ишонишни истайман, лекин қандай қилиб?” Тушунинг, Раббий аллақачон сизнинг устингизга Ўз севгисини қўйиб бўлган, сиз фақат уни намоён бўлишини таниб билсангиз бўлди. Муқаддас китобда шундай дейилган: “Биз Уни севайлик, чунки аввал У бизни севди” (1-Юҳанно 4:19). Агар аввал У бизни севганига амин бўлмаганимизда, Худони севишни имкони йуқ бўларди.

Худонинг севгиси аллақачон сизнинг юрагингиз тубига жойланган. Шубҳа қилманг – у шу ерда! Худо сизни севади! Сиз ажойибсиз! Сиз қимматбахосиз! Сиз ҳайратлисиз! Худо сизни шартсиз севги билан севади! Бор дунёдаги ҳеч ким сизни Худодек кучли сева олмайди.

Бизга Худонинг ўзи ҳам етар эди, бироқ У бизнинг ҳаётимизга бошқа одамларни ҳам олиб келади. Агар

## *Мен уларни севишимни айт*

---

дунёда сиз ва Худодан бошқа ҳеч ким бўлмаганида, сиз қойилмақом яшар эдингиз. Раббий сизнинг энг яхши дўстингиз. Агар ёлғиз бўлсангиз У сиз учун турмуш ўртоқнинг ўрнини босади, агар сизнинг ота-онангиз бўлмаса, У сиз учун ота-она бўлади. Худо сизни мана шундай кучли севади! Айнан шунинг учун ҳам сиз Унга ҳамма нарсада ишонишингиз мумкин. Худо сизни севади ва шу сабабли, У сизни мўл тарзда баракаламоқчи. Буни билиб олмагунингизча, сизда Худодан нимадир олиш учун етарлича имон бўлмайди.

Имон, Худо сизни севишини билганингиздагина ҳаракатланади. Имон кучи сизнинг сева олиш қобилиятингизга боғлиқ эмас. Худо сизни севишига йўл қўйиб беринг. Бутун кун давомида Худога миннатдорчилик сўзларини қайтаринг: “Раббий, Сен мени севишингни биламан. Аллилуйя! Шараф Сенга Ота. Сенинг номинг улуғлансин”.

Смит Виглсворт Худонинг буюк хизматкори бўлган. Кимдир ундан қанча вақт ибодат қилишини сўраганида, у жавобан: “Мен камдан-кам ўттиз дақиқадан кўпроқ ибодат қиламан, лекин ибодатсиз ҳам, камдан-кам ўттиз дақиқадан кўпроқ вақт ўтказаман” деб айтган. Бир куни кимдир, Смит ҳеч бўлмаганда ўн беш дақиқа Худо билан мулоқотда бўлмагани учун тавба қилганини эшитиб қолган.

Биз нимадир қилишга ҳаракат қиламиз, лекин баъзан нотўғри ёндашувдан бошлаймиз. Ишлар билан Ху-

дога манзур бўлиб бўлмайди. У бизни, севгани учунгина дуо қилади, Унинг тухфаларига худди нажотга эришиш каби – имон билан эга бўлиш мумкин. Масалан, оила азоларингизни имонга олиб келиш учун сизга ишларни кераги йўқ. Аввал, Худо сизни севишига имкон беринг ва шундагина сиз, нажот топиши учун ибодат қилаётган одамингизни сева оласиз. Муқаддас китобда шундай дейилган: Агар сиз ўзингизнинг воизликларингиз ёки ҳар хил ҳийлалар билан инсонни қутқаришга ҳаракат қилмай, шунчаки уни севсангиз, уни Исо Масиҳга яқинлаштиришни тезроқ уддаласиз. Муқаддас Рух унинг юрагига мурожаат қилади, унинг ўзи эса, сизнинг унга бўлган севингизни кўради. Лекин бировга севги бағишладан олдин, Раббий сизга Ўз севгисини кўрсатишига ижозат беришингиз лозим. Каломда шундай дейилган: “Чунки сизлар имонингиз орқали иноят билан нажот топдингизлар...” (Эфесликларга 2:8). Биз нажот топиш учун ҳеч нима қилмадик. Бизнинг ҳолатимиз умидсиз эди ва бизнинг нажот топишимиз ҳеч қанақасига яхши ишларимиз ёки ҳақлигимизга асосланмаган. Биз фақат бир сабаб туфайли нажот топганмиз: Худо бизни шунчалик севдики, “Ўзининг Ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин” (Юҳанно 3:16).

Иноятни ҳам, Худо сизнинг ҳаётингизда Ўз қудратини намоён қилишни ва муҳтожлигингизга жавоб беришини



## *Мен уларни севишимни айт*

---

исташига ўхшаб, таърифлаш мумкин. Худо қай аснода Ўз инояти ила сизга етарлича имон бергани каби, Ўз севиши орқали, У сизнинг Шифоловчингиз ва Таъминловчингиз эканига сизга ишонч беради.

Агар нажотни қабул қилишга сизнинг имонингиз етган бўлса, демак, Худо сизнинг барча муаммоларингизни ечишига ҳам имонингиз етади. Агар Худо сизни севишига ишонсангиз, демак, сиз У ҳеч қачон алдамаслигини билган ҳолда Унга ва Унинг сўзига чинакамига имон келтирасиз.

Муқаддас китобнинг кенгайтирилган таржимасида (The Amplified Bible) айтиладики, имон – бу Худога бўлган бутунлай ишонч, Унинг қудрати, донолиги ва эзгулигига амин бўлишдир (Колосаликларга 1:4). Худо сизни севишига ижозат берсангиз, Уни севишни ва Унга ишонишни ўрганасиз, бу эса сиз кучли имонга эга бўлишингизни англатади!

Худо сизни севади!

## 5

# Қўрқувдан озодлик



*“Севгида қўрқув йўқ, лекин мукаммал сеvgи қўрқувни қувиб чиқаради, чунки қўрқувда азоб бор. Қўрқадиган одам сеvgида мукаммал эмас”.*

— 1-ЮХАННО 4:18

Кўпинча шундай бўлади: имон билан бизда ҳаммаси жойида, Худо бизни севишига аминмиз ва Унга ишонамиз, бироқ тўсатдан бизнинг ҳаётимизда қандайдир ёмон нарса рўй беради. Шароитлар имонимизнинг маккор ўғрисига айланади. Худо бизни севишига ишонамиз, лекин қандайдир кўнгилсизлик пайдо бўлганидаёқ, Унинг сеvgисига шубҳа қила бошлаймиз. Шундан кейин, бизни янада Худонинг сеvgисидан узоқлаштириш учун, шайтон бизда қўрқув ва ўз-ўзимизни ҳукм қилиш ҳиссини уйғотиш учун келади. “Энди ахволинг қандай? Мен Худо сени севади деб ўйлаган эдим – ичиқоралик қилади у. – Шундай экан, нега сенда кўнгилсизликлар ва муаммолар бунча кўп? Ҳойнаҳой, сен жуда ёмон иш қилган бўлсанг керак ва Худо сендан ғазабланмоқда”. Шу аснода, биз Худога умид қилишни йўқотамиз ва У энди бизга

ёрдам бера олмайди. Агар Худо сизни севишига шубҳа қилсангиз, сиз кучли ва имонга тўлган инсон бўла олмайсиз ва шайтон осонлик билан сизни қўрқувга солиб, ўз-ўзингизни маҳкум қилишга ундайди.

Нақадар ажойиб ҳақиқат: "... мукаммал севи қўрқувни қувиб чиқаради" (1-Юҳанно 4:18). Мен Ёзувдаги бу оятни тушунишга уриниб, у тўғрисида узоқ фикр юритдим ва бир куни Худо юрагимга етказиб гапирди: мукаммал севи қўрқувни қувиб чиқаради ва бу мукаммал севи Худонинг Ўзидир. Унинг бизга бўлган севиши қанчалик мукаммал эканини билсак, унда бу оламда бизни қўрқита оладиган ҳеч нима топилмайди. Агар Худо севиши ҳақида бизда ваҳий бўлса, биз ҳеч нарсадан қўрқмасак ҳам бўлади, биз рад этилишдан қўрқмаймиз ва қийинчиликлар бизни чўчита олмайди.

Худонинг севиши шунчалик буюкки, у ҳатто бизни бутунлай қоплайди. Сизни қутқарган ва озод қилган Худо, сизни ҳукм қилишга қодирми? Бу билан шайтон шуғулланади: ўзининг айбловлари билан у сизни чорасизликка ҳайдамоқчи. Агар Худо сизни гуноҳда фош қилса, У ҳар доим сизга ундан озод бўлиш йўлини ҳам кўрсатади. Бобнинг бошида, мен сизга Юҳаннонинг 1-мактуби 4:18нинг кенгайтирилган таржимасини келтирдим. Кўпчилик бу оятни шундай тушунади: агар сиз бир инсонни севишсангиз, демак ундан қўрқмайсиз, агар бирор киши

сизни севса, у сиздан қўрқмайди. Бироқ бундай изох нотўғри. Бу оят, агар Раббий сизни севишига ижозат берсангиз, сиз ҳеч нимадан қўрқмаслигингизни англатади. Агар доим бирор нимадан қўрқиб яшашни истама-сангиз Худо сизни севишига ижозат беринг. Худонинг севгисини кечиктирмасдан ўзингизга қабул қилинг. Буни эртага қолдирманг – Худонинг сизга бўлган бутун севгисини ҳозирок қабул қилинг.

Худодан Унинг ҳар қандай қўрқувни қувиб юборадиган севгиси ҳақидаги ваҳийни қабул қилиб, мен тезда уни амалиётда қўллашни бошладим. Бизнинг машинамизда носозликлар пайдо бўлишни бошлади, биз бунга узатгич қисми айбдор деб ўйладик. Узатгични алмаштириш тахминан 500 долларга тушарди, биз эса бундай чиқимни режалаштирмаганимиз учун шу ҳолда юравердик.

Бир кун Худо менга юзланди ва шундай деди: “Жойс, бутун сени севишимга ижозат бер. Сен ҳеч нима қилишингни кераги йўқ. Сен буюк имонли аёл бўлишга ҳаракат қилишингнинг кераги йўқ. Сенга бор йўғи керак бўладиган нарса – бу Мени севишинг ва бутун кун давомида Мен сени севишимга имкон беришинг керак. Бутун Мен сени севишимга имкон бер”.

Ва мана мен бутун кун Раббийда қувонишга шайландим.

Мен Унга қўшиқ куйладим ва ажойиб вақт ўтказдим. Тўсатдан, эрим қайтганини ва гараж томон машинани ҳайдаб бораётганини эшитиб қолдим, бироқ у бир соат

## *Мен уларни севишимни айт*

---

олдингина ишга чиқиб кетган эди. У эшикни очди ва шундай деди: “Мен барибир биринчи тезликдан бошқасига ўзгартира олмадим. Машинани гаражга қўйишга тўғри келади”. Уша маҳал мен кулишни хоҳламаган бўлсам ҳам, бу ўз-ўзидан юз берди: менинг ичимда қайнаётган қувонч ташқарига отилиб чиқди. Худо мени қувонч ва тинчлик билан тўлдираётганини менга кўрсатди, чунки бутун кун давомида Унга мени севишига ижозат бердим, шу сабабли, мен тушқунликка тушмадим. Худо сизни севишига имкон бериб, сиз имонга эшик очиб берасиз. Менинг кулгум, имонимнинг акси эди. Худо Ибромнинг ёнига келиб, унинг ўғли туғилишини айтганида, Ибром қувончдан кулиб юборди. Сорайнинг кулгуси эса шубҳа ва ишончсизликни билдирар эди ва Худо унга танбەх берди.

Шайтон сизга қарши турганида, сиз унинг устидан кулишингиз мумкин – ахир сиз Худони шунчалик яхши биласизки, ҳатто шайтонни сизни қўрқитиш учун бўлган ҳаракатлари, сизга беъмани бўлиб кўринади. Худо сизни севишига ва ҳимоя қилишига амин бўласиз!

Мен Дейвнинг сўзларини эшитиб кўлганимда, Худо менга секин деди, лекин бу жуда кучли ваҳий эди. У Ўз сўзларини уч марта такрорлади: “Жойс, агар кейинчалик ҳам сени севишимга ижозат берсанг ва менинг севгимга жавоб қайтарсанг, мен сенинг умидингни ҳеч қачон пучга чиқармайман”. Унинг сўзлари худди акс садо-

## *Қўрқувдан озодлик*

---

дек бутун уйга жаранглади: “Мен сенинг умидингни ҳеч қачон пучга чиқармайман... Мен сенинг умидингни ҳеч қачон пучга чиқармайман..”.

Раббийга умид қилинг, У сизни севишига имкон беринг ва ўзингиз ҳам Уни сева оласиз ва шундагина, Унга ишониш осонроқ бўлади. Сизнинг Раббийга бўлган умидингиз ва ишончингиз Унга сизнинг бор хоҳишларингизни амалга оширишга ёрдам беради. Худонинг сизга бўлган севгиси ҳар қандай қўрқувни қувиб юборади.

Худо сизни севади!



## 6 Севги беради



*“Биз эса Ундан шундай амр олганмиз: Худони севадиган ўз биродарини ҳам севсин”.*

— 1-ЮХАННО 4:21

Сиз – Худонинг севикли фарзандисиз. Сиз – ноёбсиз ва сизга ўхшаши бошқа йўқдир (Қонунлар 7:6). Агар сиз ўзингизни шунга яраша тутишни бошласангиз, дунёни ҳис этишингиз ўзгаради. Бир сизнинг иштирокингиз, сиз турган жойни марҳаматга тўлдиришини англаб, кўпроқ жилмайишни бошлайсиз. Сиз қаерга отланганингиздан қатъий назар, кучада бора туриб, ҳуштак чалишингиз ёки қўшиқ айтишингиз ўзингизни ўзгача деб ҳис қилишингиз мумкин.

Ноёблигингизни англаб, ўзингизни Худонинг севикли фарзанди каби тута бошласангиз, сиз Исо Масих учун бутун оламни забт этишингиз мумкин. Севги аланга ми-соли тарқалади. Лекин Масих тўғрисида гапира туриб, ўзингиз доим ғазаб ва нолишда яшасангиз, сиз бировни нажотга олиб келишингиз амри маҳол бўлади. Сиз мағрурлик билан шундай дейсиз: “Мен имонлиман, мен



## *Мен уларни севишимни айт*

---

масихийман”, бироқ кимдир катта йўлда сиздан узиб кетишга ҳаракат қилса, сиз аччиқланиб: “Ҳой, чойнак, қани йўлимдан қоч. Сен туфайли мен жамоатга кеч қоламан” – дейсиз. Сиз ўзингизни таниябсизми?

Сиз ҳар доим ва ҳамма нарсада муваффақиятли бўлишни истайсизми? Муваффақиятга эга ҳаётнинг сири сизнинг руҳингизда яширинган. Шунчаки куйидаги сўзларни айтинг: “Шайтон, мен сенинг ёлғонинга узоқ вақт кулоқ солиб, қўрқувда яшадим. Лекин энди Исо Масих туфайли ғолиб эканимни биламан. Мен – ўзгача, ноёб инсонман. Мен – шахсман. Мен – Худонинг севикли фарзандиман ва сен шайтон, буни ўзгартира олмайсан!”

Ичингиздаги Худонинг севгиси, сизни ҳар қандай қўрқувдан озод этади, шунинг учун атрофингиздагиларга севги улашишдан қўрқманг. “Ростини, сизларга ростини айтаман, Менга ишонган одам, Мен қилган ишларни қилади ва бу ишлардан кўра каттароғини ҳам қилади, чунки мен отамнинг олдига кетяпман” (Юҳанно 14:12). Худо сиз бунга ишонишингизни хоҳлайди. Шубҳаланманг, Раббий сиз орқали ишлашни хоҳлаяпти. У сиз ишонган ҳамма нарсани сизга беради. Одамлар билан ишончли муносабатлар қуришни ва уларни севишни ўрганинг.

Мен кўп мартаба шунчалик ақлга сиғмайдиган ишларни қилиш остонасида тўрганман-ки, ҳатто бу мени қўрқувга солган, бироқ Раббий мени шу тарзда те-

тиклаштирарди: “Қани Жойс, кўркма – қадам кўй. Мен сен орқали буюк ишлар бажараман”. Ва мен олдинга отилардим ва Худо ҳар сафар менга мадад берарди. Мен нимага омадсизликдан кўркмаслигимни биласизми? Чунки мен биламан: Худо мени севади! У ҳам мен Уни севишимни билади. Мен Унга ҳаётимни бутунлай ишона олишим учун, У Ўз марҳаматини менинг устимдан куйди. Агар сиз ҳам шундай қилсангиз, Худони севсангиз ва У сизни севишини билсангиз демак, бутун коинотда, сиз еча олмайдиган муаммо бўлмайди.

Ким бизни Масиҳнинг севгисидан ажратар экан: қайғуми ё тангликми, ё қувғинми, ё очликми, ё яланғочликми, ё хавф-хатарми ёки қиличми?

Ёзилганидек: “Бизни сен учун ҳар куни ўлдирмоқдалар, сўйишга маҳкум этилган кўйлардай ҳисобламоқдалар”.

Аммо бизни севган орқали буларнинг ҳаммасидан биз ғолибдан кўра устунроқмиз.

Чунки мен аминман: на ўлим, на ҳаёт, на фаришталар, на ҳокимиятлар, на кучлар, на ҳозирги, на келажакдаги нарсалар, на баландлик, на чуқурлик, на бошқа бирон мавжудот бизни Раббимиз Исо Масиҳдаги Худонинг севгисидан ажратишга қодир эмас (Римликларга 8:35-39).

## *Мен уларни севишимни айт*

---

Худо сизни бахтли бўлишингизни қанчалик хоҳлашини ҳатто, тасаввур ҳам қила олмайсиз. Сизни бахтсиз бўлишингиз У учун оғриқли. Баъзан сиз бутун кун давомида ёмон кайфиятда бўласиз: сиз мушукни тепасиз, болаларга бақирасиз, қушлар билан жанжаллашасиз, ўзингиздан жаҳлингиз чиқади ва аччиқланиб шундай дейсиз: “Менинг қиладиган ишим фақат ишлаш, ишлаш ва ишлаш, лекин буни қадрига ҳеч ким етмайди”.

Менга бу ҳолат таниш. Болалар уйга келганида сиз шундай деб безовталанасиз: “Нима учун сиз бутун кун эмас, балки тушликгача ўқийсизлар?” Сиз бу нарса Худога озор беришини биласизми? Мен ҳозир сиз виждонингиз қийналишини ҳис қилишингизни истамаяпман. Мен сиз бир нарсани англашингизни хоҳлаяпман: Худо сизни севишига ишонсангиз, сиз Унинг севгисига жавоб қайтаришни бошлайсиз. Худонинг севгиси сизни тўлдиради ва атрофдагиларга қуйилишни бошлайди. Одамларга яхшилик қилиб, жавобан уларни сизга бўлган яхши муносабатини оласиз.

Агар сиз, Худо сизни севишини англасангиз, - сиз шифо топасиз, тараққий этасиз ва сизнинг ҳамма муҳтожлигингиз қаноатлантирилади. Нима учун? Чунки сиз тинчлик топасиз. Худо сизга У хоҳлаган ҳамма нарсани бера олмаслигининг асосий сабаби, - бу сизнинг ташвишланишингиз ва беҳаловатлигингиз. У сизнинг диққатингизни ҳечам Ўзига торта олмаяпти. Худо сиз

фақатгина Унга суянишингизни, Уни севишингизни ва У сизни севишига ижозат беришингизни хоҳлайди.

Агар сиз сеvgи билан тўлсангиз, сизнинг ҳаётингиздаги барака оқимини тўхтатиш шайтоннинг қўлидан келмайди, чунки сеvgи сахийликни уйғотади. Инсон сеvgанида, у ўз сеvgисини бошқаларга улашишни хоҳлайди.

“Ер юзидаги барча халқлар ичида Унинг шахсий халқи бўлишинг учун Раббий Худойинг сени танлаб олди” (Қонунлар 7:6).

Ҳозир сизнинг асосий ишингиз бу, уйда ўтиришдан, оилангизга ғамхўрлик қилишдан ташкил топган бўлиши мумкин, лекин Худо сиздан Ўз ишида фойдаланишини хоҳласангиз, У сиздан фойдаланади. Лекин, сиз дастлаб шундай пойдевор қўйишингиз лозим: Худо сизни севишини англашингиз керак.

Бор қувватингизни ўзингизга ва ўз муҳтожлигингизни қондириш учун сарфламанг. Нимага муҳтож эканингизни, Худога оддий ва аниқ қилиб айтинг, кейинчалик эса бошқаларнинг муаммосини ечишда уларга ёрдам бериб, ўз имонингизни ривожлантиринг. Одамларнинг ёнига, уларга ёрдам бериш учун боришдан олдин, Исо ибодат қилар ва Ота билан суҳбатлашар эди. Кейин уларга Сўзни воизлик қилиб, одамларнинг устига қўлини қўяр эди ва уларнинг ҳаётида мўъжизалар рўй берар эди. У қайсидир бурчакда, Худо Унга У хоҳлаган нарсани беришига ишонишга ҳаракат қилиб ўтирмади. Сиз Худога

нимани хоҳлашингизни айтишингиз мумкин, лекин ўз муҳтожлигингизни қондириш сиз учун ҳаётингиздаги энг муҳим нарсага айланмасин. Бошқаларга ёрдам беришга ва уларнинг муҳтожлигига жавоб беришга ҳаракат қилинг.

Чинакам ривожланиш – бу ҳар қандай пайдо бўладиган муҳтожликни тўлдирилишидир. Худонинг севгиси, сизга бошқаларни муҳтожлигини биринчи ўринга қўйишга қобилият беради. Ишонинг, Худо сизга севишга унчалик лойиқ бўлмаган – нолийдиган ва ношукур одамларни ҳам севишга ёрдам беради.

Гапимга қўшилинг, сизни севган одамларни севиш кийин эмас. Бу учун алоҳида куч ишлатиш керак эмас ва бунга ҳар қандай гуноҳкор қодир. Аммо, сизнинг назарингизда севишга умуман лойиқ бўлмаган одамни севиш учун, руҳий етуклик, ички куч, сабр ва матонат керак. Шунда одамларни, улар ўзини қандай тутишидан қатъий назар, сева оласиз. Сизнинг севгингиз уларни ўзгартиради. Бунга бир ёки беш йил кетиши мумкин. Ва балки йигирма беш йил кетар, лекин бу муносиб нишон. Исо ўзингизни қанча вақт кутди?

Худо сизни севади, У сизнинг атрофингиздаги ҳамма инсонларни ҳам, улар нажот топгани ёки гуноҳкор эканига қарамасдан севади. У сизни севади ва сиз орқали бошқа одамларга ҳам Ўз севгисини қуйишни истайди.

Худо сизга севиш қобилиятини берди. Одамларга ўз севгингизни кўрсатишдан қўрқманг, бу сизни қўрқув ва ўзингизни ҳукм қилишингиздан озод этади. Дадиллик билан, атрофдагиларга ўз севгингизни улашинг. Уларга оддий, дўстона муносабатларни кўрсатишдан бошланг. Одамларни меҳмонга чақиринг, атрофдагиларга жилмайинг. Худода сиз учун, фақат сизнинг қўлингиздан келадиган вазифа бор. Шундай одамлар борки, фақат сиз уларга хизмат қила оласиз. Бошқа ҳеч ким улар билан дўстлаша олмайди – фақат сиз бунинг уддасидан чиқа оласиз. Худодан уларга қандай қилиб севги улашишни сўранг ва У сизга минглаб йўлларни кўрсатади!

Худо сизни севади!



## 7

# Худонинг севгиси сизни ўзгартиради



*“Севги шундаки, биз Худони севмаган эдик, лекин У бизни севди ва Ўз Ўглини гуноҳларимиз учун раҳм-шафқат келтириши қурбонлиги қилиб юборди”.*

– 1-ЮХАННО 4:10

Худо сизни севади, бироқ кўпчилик имонлилар Унинг севгисини бор моҳиятини англашмайди. Каломни ўрнаётган вақтим, Худо менга шу нарсани очдики, агар биз чинакамига, У бизни қанчалик кучли севишини билганимизда, биз жуда тез ўзгарган ва руҳан етук бўлар эдик.

Худонинг сизга бўлган севгиси тўғрисида фикр юритинг. Бу фикрлар сизни ўзгартиради. Сизга ўзингиздаги бирор нима ёқмаса, Худо сизни севишини билган ҳолда, сиз ўзгара оласиз. Сизни кимдир севишини билсангиз, нимани ҳис қиласиз? Бу сизга ёқимли, шундай эмасми? Бу сизга азоб бериши амри маҳол. Лекин кўпчилик одамлар ўзини ёмон кўрадилар. Улар ўзлари қилган ҳамма ишлардан нафратландилар, чунки улар ҳали



## *Мен уларни севишимни айт*

---

янги ижод эканини англамаган, шу сабабдан, ўзларининг эски табиати билан доим курашадилар. Токи сиз, ўзингиздан мамнун бўлмас экансиз, ўзингиздан нафратланар ва Раббий учун қанчалик қимматли эканингизни англамас экансиз, сиз жасур, ўзига ишонган инсон бўла олмайсиз, “чунки унинг кўнглидаги фикрлари қандай бўлса, ўзи ҳам шундайдир...” (Ҳикматлар 23:7). Худо сизни ҳаддан ташқари кучли севиши ҳақидаги ҳақиқатда буюк куч мужассамланган.

Худо сиз билан ҳар куни мулоқот куришни истайди. У билан мулоқот сизни ўзгартиради. Агар сиз Уни биринчи ўринга қўймасангиз, Ундаги сизнинг фойдангизга ҳаракат қилиш имкониятларини чеклаб қўясиз. Раббий билан бўлган шахсий мулоқот учун, албатта вақт ажратинг, Унга ўз севингизни ифода этинг ва У сизни севишига ижозат беринг. Фақатгина шу йўл билан руҳда ўсасиз ҳамда кучли ва бахтли инсонга айланасиз.

Аммо кўп одамлар дангаса бўлишади. Кимдир бунини улар учун қилиб беришларини хоҳлайди. Ўзингизни оқлашга уринманг. Сиз Худо билан шахсий мулоқотга эга бўлмаслигингиз ва ҳозир юрагингизда айбловни ҳис қилаётган бўлишингиз мумкин. Шунинг билан, шайтон сизнинг бошқа кўп ишларингиз борлигига ва Худо билан мулоқот муҳим эмаслиги-

## *Худонинг севгиси сизни ўзгартиради*

---

га ишонтиришни хоҳлайди. У бирин-кетин сизга сабабларни келтиради. Лекин сиз Раббий билан яқин муносабатларга эга бўлишга жиддий қаранг. Худонинг каломи ҳақида фикр юритиш ва Худо билан мулоқот куриш сизни ўзгартиради. “Мени қўллаб-қувватлаётган Исо Масихда мен ҳамма нарса қила оламан” (Филиппиликларга 4:13). Исо Масихнинг кучи туфайли, бу дунёда сиз бажара олмайдиган ҳеч нима йўқ.

Худо сизнинг муаммоингиз нимада эканини кўрсатганидаёқ, Исо ҳамма муаммоларнинг устидан ғалаба қозонганини эсда тутиб, дадиллик билан уларни ечишга киришинг. Худонинг севгисини қабул қилинг ва шайтоннинг сизнинг камчиликларингиз ҳақидаги ёлғонини рад этинг ва шундагина сиз ғалаба қозонасиз!

Ҳозир сиз ўзингизни нотўғри тутаётган бўлишингиз мумкин, бироқ сиз – янги ижод эканингизга ишонсангиз, сиз ўзгаришингиз мумкин. Ўзингизга шу нарсани эслатиб туринг: “Худога Шараф, У мени ноёб қилиб яратди. У мени танлаб олди. Мен – Худонинг танланган фарзандиман. Раббий мени оқлади. Энди мен ҳақ одамман. У менинг барча хатоларимни кечиради! Худонинг ёрдами билан мен ўзгара оламан ва тўғри йўл тутаман”.

## *Мен уларни севишимни айт*

---

Агар Худо сизни севишига бутунлай амин бўлсангиз, сиз энгиб ўта олмайдиган ҳеч қандай муаммо бўлмайди! Сиз ҳар қандай муаммо устидан ғалаба қозонасиз.

Ўйлаб кўринг: ҳар қандай қийинчиликларни, тўсиқларни энгиб ўтмай туриб, ғалабага эга бўлиш мумкинми? Қийинчилик ва синовлар – бу руҳий етукликка эга бўлишни ягона йўлидир. Агар сизда бирорта қийинчилик бўлмаса, унда сизга имонни нима кераги бор? Муаммолардан руҳда ўсиш ва сизга бўлган севгисида ҳаракат қилаётган Худо, нимага қодир эканини билиб олиш имконияти сифатида фойдаланинг.

Агар Худога сизни севишига ижозат берсангиз ва ўзингиз Уни севсангиз, Унинг севгиси сизга куч бағишлайди ва ҳеч қандай шароит сизни ўз мақсадингиз йўлидан тўхтата олмайди.

Муқаддас Рух билан чўмдирилганимдан деярли бир ой ўтиб, мен ўзимни Худонинг севгиси билан маст бўлгандек ҳис этардим. Мендан шундай деб сўрашар эди: “Сенга нима бўлди? Сен жуда ҳам ўзгардинг. Бунга ишониш қийин, лекин Жойс, сен билан бирор нима содир бўлганга ўхшайди?” Мен ўзгарганимни исбот қилишим керак эмас эди – бу яққол кўриниб турар эди. Сиз Худонинг севгисига амин бўлсангиз, юзингиздан кулгу

## *Худонинг севгиси сизни ўзгарттиради*

---

аримайди ва одамларнинг кўз олдида янада чиройли бўлишни, сизда қувват пайдо бўлишни бошлайди ва сиз ўзингизда янги кучни кашф этасиз. Сиз шунчалик Муқаддас Рух билан тўласизки, ҳатто атрофингиздаги одамларнинг ҳар қандай муҳтожлигини қондира оласиз.

Ўзингизга шундай деб айтинг: “Худо мени севади. Мен – ўзгачаман, мен – Унинг фарзандиман. Худо мени севади!” Бунга ишонинг, ахир Худо сизни чинакамига севади!



## Тавба ибодати



Худо сизни севади ва У билан яқин, мустаҳкам муносабатларга эга бўлишингизни истайди. Агар сиз ҳали Исо Масиҳни Раббим ва Нажоткорим деб қабул қилмаган бўлсангиз, буни айнан ҳозир амалга оширишингиз мумкин. Юрагингизни У учун очинг ва шундай деб ибодат қилинг:

“Ота, мен Сенга қарши гуноҳ қилганимни биламан. Илтимос, мени кечир. Мени оқла. Мен Сенинг Ўғлинг Исо Масиҳга ишонишга ваъда бераман. У мен учун ўз жонини қурбон қилганига ишонаман; У хочда ўла туриб, менинг ҳамма гуноҳларимни Ўзига олди. У учунчи кун ўликлар орасидан қайта тирилганига ишонаман. Ва айнан ҳозир мен Унга ўз ҳаётимни топшираман. Ота, кечирим ва абадий ҳаёт инъоми учун Сенга раҳмат. Илтимос, Сен учун яшашимга ёрдам бер. Исо Масиҳ номи билан. Омин”

Агар сиз чин юракдан ибодат қилган бўлсангиз, Худо сизни қабул қилди, тозалади ва руҳий ўлим кишанидан озод этди. Қуйида келтирилган оятларни ўрганиб чиқинг ва Худодан Унинг овозини эшита олишга ёрдам беришини сўранг, ахир, энди сизда У билан янги ҳаёт бошланаяпти.

*Мен уларни севшимни айт*

---

Юҳанно 3:16,

Эфесликларга 1:4,

1-Коринфликларга 15:3-4,

1-Юҳанно 4:14-15,

1-Юҳанно 1:9

1-Юҳанно 5:1,

Эфесликларга 2:8-9,

1-Юҳанно 5:12-13

Масихни яхшироқ таниб-билиш ва руҳан ўсиш учун, Муқаддас Китобдан соғлом таълимот воизлик қилинадиган яхши жамоатни топишда, Худодан ёрдам сўранг. У сизни ҳар куни йўналтиради ва сиз учун тайинлаган фаровон ҳаётда, қай тарзда яшашни кўрсатади.

## Муаллиф ҳақида



Жойс Майер – атоқли Муқаддас китоб ўқитувчиси. У Худонинг Сўзини бутун ер шари бўйлаб миллионлаб одамларга воизлик қилади.

Жойс минглаб мавзуларни очиб беради, у етмишдан ортиқ китоб ёзди ва ҳар йили йигирмага яқин анжуманлар ўтказди. 2004-йил унинг 2,5 миллионга яқин китоби сотилди ва яна миллиондан ортиғи бепул тарқатилди. Унинг телекўрсатувларини кўпчилик давлатларда кўрса бўлади, унинг радио дастурларини уч юзта радиостанциялар орқали узатишади.

Худо Жойсни, имонлиларни Худонинг Сўзида мустаҳкамлаш учун танлади. Қачонлардир у ҳаётдан бутунлай умиди сўнган одамларнинг бири эди. Бутун у ҳаётдан завқланиб яшайпти, чунки у ҳаётида Худонинг Сўзидаги ҳақиқатларини қўллашни ва қийинчиликлар устидан ғалабага эга бўлишни ўрганди. Жойс ғалабада яшайдиган инсон сифатида, бошқаларга ҳам ғалаба қилишни ўргата олишига амин.

Жойс ёшлигида бошидан ўтказган зўравонлик, биринчи муваффақиятсиз никоҳи ва ҳаётида дуч келган қийинчиликлар ҳақида очиқ-ойдин гапиради.



Жойс Майер Оклахоманинг Орала Робертс университетининг диншунослик фанлари доктори фахрий унвонига ва Флориданинг “Лайф Кристиан” университетининг фалсафа ва диншунослик фанлари доктори унвонига эга. 2005-йил феврал ойида “Тайм” журнали, Жойс Майерни энг машхур Америка хушхабарчиларининг йигирма бешталигига олиб чиқди.

Жойс Майернинг бутун ҳаёти, Худонинг шафқати ва содиқлигидан гувоҳлик беради. У инсоннинг ўтмиши қандай бўлишидан қатъий назар, Худода у учун жой борлигини ва Раббий унга қувончли ва бахтли ҳаётга элтувчи йўлга туришга, ёрдам бериши ҳақида таълим беради.

## » «ХУДО СИЗНИ ҲАҚИҚАТДАН ҲАМ, ҚАНЧАЛИК КУЧЛИ СЕВИШИНИ БИЛАСИЗМИ?» «

Эҳтимол, сиз қўйидаги сўзларни кўп марта эшитган бўлишингиз мумкин: «Худо сизни севади!» ва Ёзувдан келтирилган ушбу оятларни ҳам эшитгансиз: «Худо оламини шу қадар севдики» ва «Худо севгидир». Бироқ гап шундаки, Худо сизни ҳақиқатдан ҳам шартсиз, доимий равишда ва ҳеч нарсага қарамай севишини тушунасизми? Бу ҳақиқат ҳар куни У сизни қандай яратган бўлса, шундай бўлишга ва У сиз учун режалаштириб қўйган нарсаларни амалга ошириш учун эркинлик берадими?

### **Ушбу классик таълимотдан ўзингиз учун:**

- Муқаддас Китоб Худонинг севгиси ҳақида, аслида нималар деганини билиб оласиз
- Уни қай тарзда қабул қилиш ва бошқалар билан улашишни ўрганасиз
- У олиб келадиган, ҳаётни ўзгартирадиган таъсирни бошдан кечирасиз
- Худонинг севгисида, қай тарзда ҳар куни яшашни билиб оласиз

Бу мактуб Худо билан шахсий, яқин муносабатларга чанқоқ ва Худо томонидан унга берилган имкониятларни ҳамда ўз мақсадини ҳаётида амалга оширишни истайдиган ҳар битта, Масихга ишонадиган имонли учун зарур. Сиз яқиндан бери имонда бўлишингиздан ёки ҳаётингизни кўп йиллар илгари Худога топширгангингиздан қатъий назар, сиз Унга яқинлашиш учун, қандайдир янги нарсани ўрганасиз, негаки сиз тасаввур этгандан кўра яхшироқ севгини бошдан кечирасиз!